*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2002 yil, 1 mart № 9 (494) Sotuvda narxi erkin

● Мулоҳаза
● Муаммо

## ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Иқтисодни эркинлаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва халқ хўжалигини ривожлантиришда молия ташкилотлари жамғармалари, жумладан соҳа жамғармалари муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги жамғармаларнинг молия захиралари банклардагидек катта бўлмасада, уларда маблағлар соҳанинг талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқ назорат остига олинади.

Алоқа соҳасидаги молия ташкилотлари таркибига "Алоқабанк" тижорат акциядорлик банки билан бир қаторда Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидаң қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам киради.

Соҳага чет эл сармоялари киритишни кенгайтириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва соҳада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1997 йилнинг июл ойида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги қошида почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришнинг устувор ва ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма тузилди.

Жамғарманинг асосий молиявий манбалари Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимига кирувчи корхоналарни хусусийлаштиришдан олинган маблағларнинг 40 фоизи, акциядорлик жамиятлари ҳамда қўшма корхоналардаги давлатга тегишли акция (улуш)лар туркуми бўйича дивидендларнинг 25 фоизи, телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларни берганлик учун давлат божларидан тушувчи маблағларнинг 50 фоизи, жисмоний ва юридик шахсларнинг беғараз бадалларидир.

Корхона фаолиятининг яна бир муҳим томони — бу йиғилган маблағларни аниқ ва режали тақсимлаш ҳамда уларнинг мақсадли ишлатилишини назорат этишдир. Бундан кўзланган мақсад маблағларни ишлатиш самарадорлигини оширишдан иборат. Шу боис корхона ўзининг асосий диққат-эътиборини соҳадаги салмоқли лойиҳаларни молиялаштириш, маблағларни ишлатиш мониторинги ва амалга оширилган лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги масалаларига қаратади.

Жамғарма ташкил этилгандан буён ҳозирги кунгача лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 682,5 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Жумладан, почта алоқаси ва телекоммуникация воситаларини техник қайта жиҳозлаш ҳамда реконструкция қилишни ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига 17 млн. сўм, телекоммуникациялар маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ дастурларни амалга оширишга 139,3 млн. сўм, мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш учун 32,8 млн. сўм, почта ва телекоммуникация жиҳозларини реконструкция қилиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини маблағ билан таъминлашга 284,4 млн. сўм, шаҳар ва қишлоқ алоқа бўлимларида почта-касса операцияларини компютерлаштириш ва таъминлашга 17 млн. сўм, қишлоқларда почта алоқаси, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхоналарига вақтинчалик молиявий ёрдам кўрсатишга 35 млн. сўм, почта ходимлари учун кийим ва велосипедлар сотиб олишга 17 млн. сўм миқдорида маблағлар ажратилди.

Ҳозирга қадар жамғарма томонидан жами 28 та лойиҳа амалга оширилди. Умумий суммаси 469 млн. сўм бўлган 13 та лойиҳа эса жамғарма томонидан ҳозирги кунда молиялаштириляпти. Ўтган вақт ичида алоқа соҳаси корхоналарига 133,9 млн. сўм миқдорида беғараз ёрдам кўрсатилди.

Соҳадаги корхона ва ташкилотларга қисқа ва ўрта муддатли қарзлар фоизи ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаб берган амалдаги молиялаштириш ставкасининг 1/2 қисми миқдорида, "Ўзбекистон почтаси" ДАК корхоналари учун эса 1/4 қисмида ажратади. Қарзлар асосан тугалланмай қолган объектларни, лойиҳаларни тезроқ ниҳоясига етказиш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида берилади. Сўнгги вақтларда жамғармада лойиҳаларни кўриб чиқиш, баҳолаш, қарз бериш тизимини соддалаштириш, хизмат сифатини ошириш бўйича талай ишлар қилинди. Бу йўналишдаги ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган давр ичида нафақат жамғарма корхоналарга, балки корхоналар ҳам ўз навбатида жамғармага моддий ёрдам кўрсатдилар. Олинган маблағлар соҳани ривожлантириш, уни техник жиҳатдан қайта қуриш, соҳага янги техника ва технологияларни тадбиқ этиш бўйича бир қатор қўшимча лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланди. Ҳозирги вақтда жамғарма маблағларининг чекланганлиги ва улар қатъий тартибда лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олсак, акциядорлик компаниялар, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналари ("Ўздунробита", "COSCOM", "Ўзмаком", "ДЭУ-Юнител", "Бузтел", "Бўзтон" ва бошқалар), чет эл фирма ва компаниялари ("ALCATEL", "NEC", "SIEMENS", "DAEWOO", "ERICSSON") томонидан жамғармага имкон қадар беғараз ёрдам кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу маблағлар юқорида таъкидланганидек, бевосита соҳани ривожлантиришга, уни замон талаблари даражасига олиб чиқишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Қўлга киритилган ютуқлар билан бирга жамғарма иш фаолиятида баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, қарзни бериш тартиби етарли даражада пухта ишлаб чиқилмаган, жамғармага кенг қамровда маблағ тушмайди. Бу муаммоларни бартараф этиш учун корхонада маълум ишлар олиб борилмоқда.

**Равшан АСҚАРОВ,**
**Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори,**
**Алижон НАЗАРОВ,**
**бўлим бошлиғи**

## КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

"Фарғона почтаси" АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2000-2002 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2001 йилда бажарилиши бўйича ҳисобот кенгаши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала ҳам кўрилди. "Фарғона почтаси" АЖ директори ўринбосари вазифасида ишлаб келган Солижон Юнусов "Фарғона почтаси" АЖ директори вазифасига тайинланди. "Фарғона почтаси" АЖ директори вазифасида ишлаган Нўъмонжон Каримов Почта хизмати хавфсизлиги бўйича директор ўринбосари вазифасига ўтказилди.

Жамоа шартномасининг бажарилиши ҳақида "Фарғона почтаси" АЖ директори ўринбосари Я.Мадмаров маъруза қилди.

Йиғилишда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржонов, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори А.Маҳмудов, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси А.Усмонов, "Фарғона почтамти" бошлиғи М.Ҳакимов, Яйпан почтаси бошлиғи Й.Ҳамроқулов, Боғдод почтаси бошлиғи Р.Қамбаров, Учкўприк почтаси бошлиғи М. Каттабековлар сўзга чиқишди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Усмонжон ИСКАНДАРОВ,**
**Фарғона вилояти**

## ЯНГИ ИНТЕРНЕТ ЛОЙИҲАСИ

Республикамизда жадал ривожланаётган компьютерлаштириш ва автоматлаштириш Интернет тармоғидан фойдаланиш учун йўл очиб бермоқда. Бир қатор давлат идоралари бу тармоқ хизматидан фойдаланибгина қолмай, ўзлари махсус компьютер дастурларини тузмоқдалар. Ҳукуматимиз айнан шу соҳани ривожлантириш мақсадида ўтган йили Интернет тармоғини оммалаштиришга йўналтирилган давлат дастурини ишлаб чиқди. UNDP халқаро ташкилоти Ўзбекистоннинг информацион жамиятга кириши учун ёрдам берадиган лойиҳани бошлади. Бугунга қадар мамлакатимизнинг Интернет ҳудудида 400 дан ортиқ сайтлар фаол ишламоқда. Янги йилдан уларга яна бир Интернет лойиҳа — www. Bozor.uz. қўшилди.

Бу сайт компьютер қаршисида ўтириб "бозор" хизматларидан фойдаланиш имкониятини беради. Сотиб олиш, мавжуд маҳсулотлар ҳақидаги барча маълумотларни бевосита Интернет тармоғи орқали қабул қилиш каби қулайликлар ҳам ушбу сайтда мавжуд. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистондаги тадбиркор ва ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини Интернет орқали тақдим ва таклиф этишда кўмаклашишдан иборат. Мамлакатимизда бу сайт юқоридаги мақсадни кўзлаган дастлабки лойиҳа ҳисобланади. Унинг мураккаб, замонавий технологиялар талабига жавоб берадиган компьютер дастури ҳам ўзбек мутахассислари томонидан ишлаб чиқилгандир.

Ҳозир бу Интернет лойиҳасининг дастлабки босқичи якунланмоқда. Унда ташкилотчилар компьютер ва ахборот технологияларига тегишли маҳсулот ва хизматларнинг нархи, ишлаб чиқарувчиси ва сифати ҳақидаги маълумотни жамлаган ахборот базасини яратдилар.

Кейинги босқичда лойиҳа иштирокчилари фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида Республикамиз иқтисодиётига тегишли сўнгги ахборотлар билан ҳам таъминлашни кўзда тутмоқда. Улар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорлик ўрнатиб, агентлик томонидан бериладиган маълумотларнинг қисқача баёнини ўз саҳифаларида жойлаштирадилар.

Интернетдаги "ўзбек бозори"дан нафақат ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар, иқтисодиёт соҳасининг бошқа мутахассислари, чет эллик савдо вакиллари ҳам ўзларига керакли ҳамкор топиши мумкин.

Келажакда лойиҳа ташкилотчилари www. Bozor.uzда бериладиган маълумотлар ҳажмини кенгайтириб, экспортга мўлжалланган Ўзбекистон маҳсулотлари ҳақидаги ахборот жойлаштиришни режалаштирган. XXI асрда бозорга қўйиладиган асосий талаб — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан доимий равишда бериб бориладиган тезкор ва ҳаққоний маълумотлар билан манфаатдор шахсларни таъминлаш.

Ўзбекистонга сармоя киритиш ниятида бўлган тадбиркорларни ўзбек бозори билан таништиришда ушбу сайт дадил қадам бўлди десак адашмаймиз.

**Н. МУРОДОВА**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ЯНГИЛИКЛАР ● ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР

**●Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Р.Исаев Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.**

●Матбуотда "Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

**●Кобулда янги радиостанция ишга тушди. Европа комиссияси томонидан ташкил этилган ушбу радиостанцияни Афғонистон аҳолисининг 80 фоизи эшитиш имкониятига эга.**

●Британия Бош вазири Тони Блэр 2003 йилнинг 1 майида Европа валютаси бирлиги бўйича референдум ўтказмоқчи. "Independent" газетаси ана шу ҳақда хабар тарқатган. Унда давлат тасарруфидан фунт стерлинг олиниб, еврога ўтиш масаласи қўйилади.

**●Мобил телефонлар Европа ва Америкада кенг тарқалгани сир эмас. Маълум бўлишича, бу қитъа мамлакатларида бундай телефонлар нафақат сўзлашув, балки матн узатиш воситаси сифатида ҳам қадрланаркан.**

**Осиё мамлакатлари ҳам бу борада ортда қолишаётгани йўқ. Японияning ўзидагина айни пайтда 67 миллион 500 минг киши уяли алоқа телефонидан фойдаланади.**

• ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

"Навоий Телеком" акциядорлик жамиятининг Навоий шаҳар бўлинмасида тармоқни янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини халқаро андозалар даражасига етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда мавжуд АТСларни Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий алоқа техникаси ва технологиялари билан жиҳозлаш юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилди. аввало эскичасига ишлашдан тамомила воз кечганлигимиз ҳамда Япониянинг "НЕС" компанияси билан узвий ҳамкорликда ишлаётганлигимиз туфайлидир. Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари халқ хўжалигининг барча соҳалари сингари алоқа тармоғини ҳам тинимсиз равишда ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

"Ҳаракатда баракат" деганларидек, алоқачиларни ижобий самаралар узоқ куттирмади. Шаҳарда кабелли алоқа хизмати кўнгилдагидек ташкил этилганлигини нафақат навоийликлар, балки шаҳар меҳмонлари ҳам алоҳида эътироф этишяпти.

– Касбимиз телефон алоқасидан тез-тез фойдаланиб туришни тақозо этади, – дейди журналист Абдумутал Норбоев. – Бундан тўрт-беш йил муқаддам Тошкентдаги таҳририятимиз билан сўзлашиш учун қўшимча вақт сарфлаб шаҳарлараро телефон алоқаси станцияси хизматидан фойдаланишга мажбур эдик. Эндиликда эса уйдан туриб код орқали бир зумда пойтахт билан ҳам, бошқа шаҳар ва туманлар билан ҳам уланиш мумкин. Бундай қулайликлар, шубҳасиз, навоийлик алоқачиларнинг саъй-ҳаракати туфайли яратилди.

Самарқанд вилояти, Пахтачи туманида яшовчи Ҳамдам Меliқулов шаҳарда телефон алоқасининг намунали йўлга қўйилганлигидан мамнунлигини шундай изҳор этди:

– АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида яшаб турган қариндошим билан телефонда сўзлашиб туришга тўғри келади, – деди у. – Бунинг учун Навоийга келаман ва ҳеч қандай муаммосиз океан орти билан боғланаман. Мушкулимизни осон қилган алоқачиларга минг раҳмат!

– Тармоқни ривожлантиришда муайян ютуқлар қўлга киритилган ва мижозларга манзур бўлаётган экан, – дейди "Навоий Телеком" АЖ бош директорининг Навоий шаҳри бўйича муовини Салоҳиддин Хўжамов, – бу энг комиллаштиришни тақозо этмоқда. Биз бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланяпмиз. Натижа эса кўриб турганингиздек ёмон бўлмаяпти. Яқинда шаҳар марказидан бирмунча олис, саноат ҳудудида жойлашган "Спутник" қўрғонидаги 500 та хонадон ҳам рақамли телефон алоқасидан баҳраманд бўла бошлади. Қисқа вақт ичида 5-АТСдан тўрт километрдан ортиқ масофага кабел тортиш, хонадонларга телефон аппаратларини монтаж қилиш, ўрнатиш ишларини амалга оширишда Андрей Мирзаев, Мурод Бердиев, Баҳодир Хўжаев, Анвар Обидов сингари алоқачи ҳамда кабел-пайвандловчиларнинг хизмати катта бўлди.

Корхонада шаҳар алоқа хизмати ҳажмини кенгайтириш билан бир пайтда алоқанинг юқори сифатлилигини таъминлашга катта эътибор қаратилган. Бу борада телефонларнинг узлуксиз ва бенуқсон ишлаши устидан доимий назорат ўрнатилганлиги, алоқа кабелларида профилактик текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар зудлик билан бартараф этилаётганлиги, эскирганлари ўз вақтида алмаштириб борилаётганлиги ижобий самара бермоқда.

Хуллас, "Навоий Телеком" АЖда мижозларга телефон алоқа хизмати кўрсатишда ибратга лойиқ ишлар қилиняпти. Натижада нафақат Навоий шаҳри, вилоятнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқлари аҳолиси ҳам энг замонавий телефон алоқасидан фойдаланмоқда. Тармоқни ривожлантириш ишлари эса давом этаяпти.

**Олим ХЎЖАЕВ,**
**жамоатчи мухбиримиз**

# ПОЙТАХТДА АЛОҚА РИВОЖЛАНАЁТИР

**Бугунги кунда телефон энг зарур эҳтиёжлардан бирига айланиб қолган. Ундан фойдаланмайдиган ёки уйига телефон ўрнатишни хоҳламайдиган кишини топиш қийин. Хўш, аҳолининг бу эҳтиёжи пойтахтимизда қандай ҳал этилмоқда? Бу борада қандай муаммолар мавжуд?**

Аввал Тошкент шаҳар харитасига "оила-хонадон-бино" маъносини билдирувчи шакл ҳамда телефон нуқталари тасвирини туширамиз. Кейин эса ана шу нуқталарни кўк ранг билан белгилаб чиқамиз. Энди бу рангларни, яъни телефон ёрдамида ҳад-ҳудуди йўқ ахборот оламига чиқаётганлар қанчалигини билиш мақсадида харитага бошқатдан, синчков назар ташлаймиз – унинг 75 фоизи кўкка бўялибди. Демак, бугунги кунда Тошкентда шунча хонадон, шунча оила телефонга эга экан.

Таъкидлаш жоизки, пойтахт телефон тармоғи бундай даражага ўз-ўзидан эришгани йўқ. Бу "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти раҳбарлари ва мутахассисларининг кўп йиллик меҳнатлари самарасидир. Айниқса, кейинги йилларда тармоқни ривожлантириш ва замонавийлаштириш учун кенг кўламли ишлар қилинди. Алоқа иншоотларининг реконструкцияси ва қурилиши "ALKATEL", "SIEMENS", "ITALTEL", "NEC", "HUAWEL" каби хорижий фирмалар билан ҳамкорликда амалга оширилди. 138000 телефон рақамига эга янги, рақамли электрон АТСлар барпо этилди. Станциялараро йўналиш ва асосий магистралларда оптик толали линиялар қурилди. Электрон бошқарув мажмуалари ҳамда юқори тезликда узатиш тизими жорий қилинди. Бу ишларнинг барчаси хонадонларга навбатсиз, яъни абонент мурожаат қилган заҳотиёқ унга телефон тушириб беришдек эзгу ниятларни рўёбга чиқариш имконини берди.

Ҳозирги кунда АТСлар қувватининг 96,1 фоизи ишлаб турибди. Хонадонлардаги телефонлар сони 452 мингтадан ошди.

Пойтахт телефон тармоғида доимо бир муаммо мавжуд. Бу – телефонларнинг меъёрида ишламаслигидир.

Кейинги пайтда корхонани жиддий ташвишлантираётган бундай муаммонинг туғилишига сабаб кабелларнинг ўғирланишидир. Лекин шунга қарамай акциядорлик жамияти жамоаси телефон алоқасининг сифатли ишлашини таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солмоқда. Кейинги олти йил ичида тармоқда 23 та замонавий электрон станция ишга туширилди.

Телефон тармоғини янада ривожлантириш, мураккаб телекоммуникация мажмуини замонавийлаштириш, хизмат кўрсатишнинг қўшимча, янги турларини кенгроқ жорий этиш ва сифатини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида ички моддий-техник ҳамда молиявий захира ва имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда, бу борада чет эл сармоядорлари ва таъминотчилари билан ўзаро алоқалар ҳам кучайтирилмоқда. Масалан, Республикамизга замонавий алоқа ускуналари келтириш мақсадида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти 2000 йилда Хитойнинг "HUAWEL" компанияси билан шартнома имзолаган. Шартномага мувофиқ, корхонанинг Бектемир туманидаги Янгиобод филиалида мазкур компаниянинг "HONET" русумидаги 195-АТСи қурилди. Ушбу АТСдан бир километр олисда 1024 та телефон рақамига эга бўлган янги станциянинг ускуналари монтаж қилинди. Шунингдек, "Қўйлиқ-7" даҳасида биринчи рақамли 192-АТС қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда икки оғиз 192-АТС иш самарадорлиги ҳақида гапирсак. Бу тиркама концентратор, кичик станция оптик-толали кабел орқали 191-АТС билан боғланган. У ягона электрон мажмуадан туриб бошқарилади. Қисқа муддат ичида мингдан зиёд абонентлар телекоммуникациянинг энг янги техникалари афзаллигини амалда кўрдилар. Янги кичик станцияда хизматга вақтбай асосида ҳақ тўлаш жорий этилган. Абонент учун энг муҳими эса узлуксиз алоқа, сифатли, ишончли, қўшимча хизмат турларига эга бўлишдир.

191-АТС доирасида яна битта қўшимча АТС-концентратор қурилмоқда. Бу 194-АТСдир. Ҳозиргача 1024 та рақамли телефон ускуналари ўрнатиб бўлинди. Линия ишлари бажарилди. Шубҳа йўққи, яқин орада янги АТС ишга тушиб, юзлаб янги абонентларга хизмат қила бошлайди.

76-АТСда ҳам келгусида 1440 та телефон нуқтасига эга бўлган янги рақамли ускуна ўрнатиш якунланди. Бу нафақат оддий абонентларни янги концентраторга улабгина қолмасдан, балки деярли 500 нафар янги абонентнинг телефон ўрнатиб бериш тўғрисидаги аризасини ҳам қондиради.

Электрон рақамли ускуна қўлланиладиган тиркама концентратор, шунингдек, ҳар бири 2160 та телефон рақамига эга 46 ва 48-АТСларда ҳам ўрнатилади. Ўтган йили 29-АТСда 2160 та телефони бўлган янги концентратор монтаж қилинди. 22/23-АТСдаги янги концентратор эса 1440 та телефон рақамига эга бўлади.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун, албатта, станциялараро бирлаштирувчи линияларни тубдан қайта қуриш ва кенгайтириш талаб этилади. Бу иш аллақачон бошлаб юборилган. Янги оптик-толали кабеллар ётқизилмоқда, STM-16 русумидаги ускуна монтаж қилинмоқда. "Кичик транспорт ҳалқаси"нинг биринчи навбатини барпо этиш режалари ишлаб чиқилмоқда.

Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш миллий дастурига асосан, эскирганларининг ўрнига янгилари қурилди. Электрон АТСлар ускуналарини қайта тақсимлаш натижасида эса кўчма АТСлар барпо қилинди. "Биллинг" маркази ишга туширилди. Шунингдек, маълумотларни узатиш тармоғини мукаммаллаштириш ишлари бажарилмоқда.

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти бош директори, техника фанлари номзоди Саидакбар Аъзамов, техник директор Виктор Тагаев, филиал ҳамда техник хизмат раҳбарлари ва мутахассислари тармоқни ривожлантириш учун ҳаракат қилишмоқда. Улар мавжуд лойиҳалар амалга оширилгач, Тошкент шаҳрида бирорта ҳам телефонсиз хонадон қолмаслиги, акциядорлик жамияти эса бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида юксак самара билан ишлайдиган корхонага айланишига ишонч билдиришмоқда.

**Иззат АҲМЕДОВ**

• "ХАВАR" ҚАНДАЙ БЎЛИШИНИ ИСТАЙСИЗ?

# МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ЎРИН БЕРИЛСА

Мен "Xabar" газетасининг 9 феврал, 5-сонида чоп этилган "Xabar" қандай бўлишини истайсиз?" сўровномасини ўқидим ва унга қуйидагича жавоб юборяпман.

1. "Xabar" газетаси учун олти ойга обуна бўлганман. Газета саҳифаларидаги ҳар бир янгилик, ахборот, мақолани синчиклаб ўқиб чиқаман. Почта ва телекоммуникация соҳасидаги ишлардан шу газета орқали хабардор бўлиб тураман. Чоп этилаётган материалларнинг мавзу кўлами, ранг-баранглиги ортаётганлигидан хурсандман.

2. "Xabar"нинг дам олиш саҳифасида турли-туман, қизиқарли материалларнинг берилиши ҳам ўқувчилар сафи кенгайишига имкон яратмоқда. "Буюклар муҳаббати", "Ёднома", "Қилмиш-қидирмиш" каби рукнларда берилаётган мақолалар, танқидий чиқишлар ҳаммани ҳам бирдай қизиқтирса керак.

3. Почта ва алоқа соҳаси ҳақида кенгроқ маълумотлар берилса, машҳур санъаткорлар билан қизиқарли суҳбатлар уюштирилса, почта ва телекоммуникация тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, низомлар ҳам газетада ёритилса яхши бўларди.

"Xabar" газетаси ходимларига келгуси ишларида омад тилаб

**Кенесбой ТУРДИБОЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси,**
**Тахиатош шаҳри**



**Телефон кабелларининг техникавий ҳолати яхши бўлса, алоқа хизмати ҳам сифатли, самарали бўлади. Тошкент шаҳридаги 50/53 АТС кабелчилари мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун тинимсиз изланмоқдалар.**

**Суратда: Кабелчилар гуруҳининг бригадири Равил ЖОНУЗОҚОВ узилган симларни созламоқда.**

**Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

*"Хавar" газетаси жамоаси Агентлик бош бухгалтери Ганжа ИБРОҲИМОВни туғилган куни билан табриклайди. Унга узоқ умр, соғлиқ, ишларида омад тилайди.*

***

*"Андижон Телеком", "Андижон почтаси" АЖ, Андижон радиотелевизион узатиш маркази жамоалари ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси "Андижон Телеком" АЖ бош директори Мажид ҚОДИРОВни халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашига депутат этиб сайланганини билан чин дилдан табриклайди ва унинг келажакдаги фаолиятида муваффақиятлар тилайди.*

***

*"Қашқадарё почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг Шаҳрисабз филиали пенсия бўлими бошлиғи Ботир ЭРГАШЕВни қутлуғ 60 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга соғлик, бардамлик, ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.*

# ВИЛОЯТДА ЯГОНА

Аёл кишининг ток ичида электр симларини улаб юрганини ҳеч кўрганмисиз? Андижон шаҳрида ана шундай аёл бор. У беш фарзанднинг онаси, невараларнинг севимли бувижониси, 42 ёшли Машрабхон Ғофуровадир.

Аслида Машрабхон 1985 йили Андижон электралоқа корхонасига фаррош бўлиб ишга кирганди. Ишлаб юриб электр симларини улашга, ёритиш ишларига қизиқиб қолди. Бу иштиёқ келаси йили уни Андижон электромеханика билим юртига етаклади, ишдан ажралмаган ҳолда сиртдан ўқиди. Фарзандлар тарбиясига ҳам улгурди. Умр йўлдоши вилоят махсус алоқа хизмати ходими Адҳамжон уни тушунди, ишлашига шарт-шароит яратди. Оғир-енгил кунида елкадош бўлди. Тиниб-тинчимас аёлини қўллаб-қувватлади.

Ҳозир Машрабхон Ғофурова "Андижон Телеком" акциядорлик жамиятида монтёрдир. 15 йилдан буён шу жойда фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Машрабхон чироқ тушириш дейсизми, телефон симларини тортишми, қўйингки, алоқага доир барча ишларни бемалол бажараверади. Хавф-хатардан қўрқмасдан ток симларини таъмирлайверади. Шу боисдан ҳам жамоадошлари орасида ҳурмати баланд.

Қаҳрамонимизнинг кенжа қизи Холида она касбини давом эттирмоқчи. Ҳозир у Андижон алоқа коллежи талабаси. Ўғилларнинг бири ҳунарманд, бири уста-қурувчи, яна бири тадбиркор.

Вилоятда ягона электромонтёр аёл билан фарзандлари, касбдошлари ҳар қанча фахрлансалар арзийди.

**Х.УМУРЗОҚОВ,**
**Андижон вилояти махсус алоқа хизмати бошлиғи**

# ЧЕРТМА КЎНГИЛ ТОРИНИ

**“Муҳаббат кўҳна дард, лекин ҳар бир юрак уни янгилайди”.**
**Х.ТОҚТОШ**

Қадимдан инсоният севгининг нима эканлигини тушуниб етишни орзу қилган. Одамзот тарихда севгини ўз замонлари талабларидан келиб чиқиб ҳар хил талқин қилгани ҳам маълум. Бир пайтлар севгига сиғинган бўлсалар, бошқа бир пайт уни лаънатлаганлар, гоҳо яхши ният ва фикрлар айтилган бўлса, бошқа бир даврда уни кескин, оғир сўзлар билан четлаб ўтишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам бир даврда инсоният севгининг фақат жисмоний тарафларини куйлаган ва фаллосга ҳайкал қўйиб, унинг номи билан қасам ичишиб, уни ҳаётнинг боши деб тушунган бўлса, бошқа бир давра севгининг фақат руҳий ва маънавий томонларига эътибор беришган. Бундай маънавий ҳайкаллардан Туронда “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Тоҳир ва Зуҳро” бўлса, дунёнинг бошқа жойларида ҳам “Ромео ва Жулетта”га ўхшаш севгининг маънавий ҳайкаллари кўп.

Э.Фром севгини беш хилга бўлади: Оналик, ака-укалик, шаҳвоний, ўз-ўзини севиш ва Оллоҳга бўлган муҳаббат. Бундан кўриниб турибдики, севгини хилларга бўлиш фаннинг иши. Биз кўриб чиқаётган инсон севгиси балоғат ёшида шаклланадиган севги, бир жинснинг бошқа жинсга бўлган инсоний муҳаббати табиат ва инсониятнинг энг гўзал томонидир. Айнан шу севги маъносида ҳам жисмоний, ҳам ирсий, ҳам маънавий бойлик ётади. Инсон қанчалик етук бўлса, унинг севгиси маънавий жиҳатдан шунчалик тўлиқ ва бой бўлар экан.

Россиялик олима М.Абалкинанинг диссертацияси ва илмий ишларининг натижалари шуни кўрсатадики, шахснинг маънавияти қанчалик юқори тараққий қилган бўлса, у ўз севгисини шунча идеаллаштирар ва шунга мойил бўлар экан. Демак, инсонга бошқаларни, айниқса аёлни қандай севишига қараб баҳо бериш мумкин. Шунинг учун жамиятдаги аёлнинг мавқеига қараб шу жамият тўғрисида фикр юритиш мумкин дея бежиз айтилмайди.

Абалкина илмий ишларининг яна бир натижаси шундаки, эркаклар аёлларга қараганда ўз севгилисини идеаллаштиришда юқори турар эканлар. Олиманинг фикрига қўшилсак, бу ҳодиса эркакларнинг севгида фаоллиги, улар олдидаги тўсиқларнинг кўплиги ва шу тўсиқларни енгиб ўтиш учун мана шу идеал образнинг кераклигидадир. Бу борада айтиш мумкинки, эркак киши ўз муҳаббатини севгилисига намойиш қилиш билан бир қаторда шу ҳаракатлар орқали ўзига қандай муомала ва муносабатларнинг кераклигини кўрсата боради. Икки шахс ўртасида порлаб турган муҳаббат қанчалик кўп қаршиликка учраса, кўпинча бу севги шунчалик кўп идеаллаштирилади. Бундай севгига мисоллар санъат ва адабиётда кўп учрайди.

Ҳамма инсонлар ўз ҳаётларида бир ёки бир неча бора севиб қолган бўлишлари мумкин. Ҳатто бир вақтнинг ўзида бир неча кишини севиб қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Аммо табиатда бирон маротаба севгига “гирифтор” бўлмаганлар ҳам йўқ эмас. Севги кишини маънавий юксалтиради, уни шахс сифатида етукликка ундайди. Шуни айтиш керакки, ўзини, ўз шахсини севмаган киши бошқани сева олмайди. Ҳис-ҳаяжони тўғри ва яхшигина тараққий қилган киши ўзаро мулоқотда буни бошқалар орқали тасдиқлаб олади ва бу шахсда бошқалар томонидан севилиш имконияти кенгроқ бўлади. Олов билан сув, ҳаётнинг бошқа шунга ўхшаш узвий боғлиқликлари борлигини яхши биламиз. Шу маънода севги ва нафрат ҳам узвий боғлиқ ва бир-бирлари билан ёнма-ён юрадиган ҳиссиётлардир. Ваҳоланки севган кишимизни бир вақтнинг ўзида ёмон ҳам кўришимиз мумкин. Бундай ҳоллар ҳам адабиёт саҳифаларида бор.

Севги туйғуси инсон табиатидаги ниҳоятда яккаҳол, индивидуал ҳис бўлиб, ҳар бир инсонда у ўзгача, ўзига хос кечади. Биров узоқ йиллар севиб мақсадга эришса, биров бир кўришда муҳаббат уммонига бутунлай шўнғийди. Аммо олимларнинг кузатишларига қараганда танишиш, бир-бирига интилиш қанча узоқ бўлса, севишганларнинг бир-биридан қониқиши шунча кўпроқ бўлар экан. Бу ҳолда улар орасида бир-бирини билиш, севгилисини ҳар томонлама ўрганиш, унинг ишлари, маънавий эҳтиёжлари билан қизиқишни, унга ёрдамчи ва керакли киши бўлиш имкониятини кенгайтирар экан.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, бундай бир-бирини яхши биладиган севишганлар орасида ҳис-ҳаяжон номўътадил пайтларида улар шаҳвоният тўғрисида кам ўйлашар экан. Ўйлаганларида ҳам ўзларини бу майл комига отмасдан енгилгина қутулар ва севгилисига содиқлигини сақлаб қолар эканлар. Бундай оилалар, яъни икки севишган томон ҳам бир-бирини яхши билса, улар томонидан қурилган оила муҳити мустаҳкам бўлиб, ҳар қандай қийинчиликларга чидаб беради. Бундай оилада севишганлар ўз муҳаббатларини севгилиси ишқи ва майлига мослаб, севгилисининг ҳиссига шикаст етказмасдан намоён қилишади.

Ҳар бир инсоннинг индивидуаллигини, ҳар биримизнинг бошқа бир инсонга ўхшамаслигимизни ҳисобга олган ҳолда биз қандай севиш ва қандай севилиш ҳақида бирон тавсия бермоқчи эмасмиз. Ҳаётнинг энг гўзал даври бўлмиш балоғат йилларида ўз шахсий оламингизга мос севги қидиринг, севинг ва севилинг. Бу ҳиссиёт ҳаётнинг энг гўзал дамлари ва инсон умрининг ўта юқори маънодаги безагидир.

**Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,**
**руҳшунослик фанлари номзоди**



**Ҳакка: Мен сайрасам меҳмон келади, дейишади одамлар. Меҳмон бўлиб келаётган баҳордан дарак бериб ҳаммани қувонтирай.**

## ҲИКМАТЛАР

- Ножинс суҳбатидан илондан қочгандек қоч.
- Индамаслик – ёлғон гапиришдан, дудуқланиш – сўкинишдан, камбағалликка чидаш – ўғрилик билан мол тўплашдан яхшидир.
- Асл бойлик – кўзи тўқлик ва қаноатдир. Бахт-саодатнинг негизи ҳам шудир.
- Ёлғизлик жуда оғирдир. Дунёда ҳеч бир шодлик дўстлар суҳбатидан ортиқ бўлмайди ва ҳеч ғам, машаққат биродарлардан ажралишдек оғир туюлмайди. Ҳижрон шундай оғир юкки, уни ҳамма ҳам кўтара олмайди, висол шундай ширин шарбатки, ҳеч ким уни охиригача ичишга муваффақ бўлмайди.
- Сен ғарибман деб ўйлаб, уни ўзинг учун дардга айлантирма, чунки ақлли одамларнинг ҳар қаерда куни ўтаверади.
- Ношукр бўлиш яхши эмас. Оғир кунларда ва камбағалликда сабрдан бошқа кўркам фазилат бўлмайди.
- Донишмандлар айтибдурларким, бир неча нарса дунёда узоқ муддат қола олмайди: булутнинг сояси, ёмон одамнинг дўстлиги, суюқоёқ, лафзи бўш хотинларнинг ишқи, ёлғон мақтов, мол-дунёнинг кўплиги, девонанинг лутф-карами, ёшларнинг гўзаллиги.
- Оқил одамларга давлатнинг кўплигидан хурсанд, озлигидан хафа бўлиш ярашмайди, у фақат ҳунар ва санъатини ўз моли деб ҳисоблаши керак. Чунки булар шундай бир битмас-туганмас хазина ва давлатки, уни ҳеч ким инсондан тортиб ололмайди. Фалакнинг айланиши унга таъсир этолмайди.

**“Калила ва Димна” дан**

## УЙҚУНГИЗ ҚАНДАЙ?

Асаб тизими ҳолатига уйқу катта таъсир кўрсатади. И.Павлов ва унинг издошлари тадқиқотларида уйқунинг асосий физиологик аҳамияти бош мия қобиғи ҳужайраларини ортиқча зўриқишдан муҳофаза қилишда эканлиги аниқланган.

Сизнинг уйқунгиз қандай? Агар суткасига 7-8 соат ухласангиз, ўзингизни яхши ҳис этишингиз учун соғлом турмуш тарзига риоя қилсангиз, яъни жисмоний машқлар билан шуғуллансангиз, меъёрида овқатлансангиз, зарарли одатларга барҳам берсангиз кифоя. Агар уйқусизлик қийнаса, унга қарши курашни кечиктирмаслик лозим. Энг аввало, ухлашга айни бир вақтда ётишни (мақбули соат 24 гача) одат қилинг. Шунда ҳам ухлай олмасангиз, сизга бир неча маслаҳатларимиз бор.

Ухлашга ётишдан олдин оёқларингизни илиқ сувга солинг (10-15 дақиқа, ханталли бўлса ҳам майли). Валерян илдизи ёхуд пустирник эритмаси бор сувда чўмилинг.

Ухлашдан бир соат олдин валерян илдизи ёки пустирник эритмасидан ичинг. 25-30 дақиқа сайр қилинг.

## БИЛАСИЗМИ?

Э. Ласкер шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги унвонини 26 йилу 337 кун сақлаб туриб, ўзига хос рекорд ўрнатган.

***

Шахматчилар орасида энг узоқ умр кўрган киши Жейин Кэрюдир. Уч аср юзини кўрган Жейин 1779 йилда туғилиб, 1901 йилда вафот этган.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси катта инспектори К. ДАУТОВга онаси

**Ўрозбеке ЖИЕНАЛИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Навоий Телеком" АЖ жамоаси корхонанинг Хатирчи филиали директори

**Асокул СУЮНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Сирдарё вилоят бўлинмаси инспектори Олимжон МАМАЖОНОВга ўғли

**ҒУЛОМЖОН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## ҚОРА ГАВҲАР ҲАҚИДА

Бу тош камдан-кам учрайди. Шу боис у жуда қиммат туради. Қора гавҳарни италян актрисаси Орнелла Мути жуда севади. Актриса доимо шу тош қадалган безакларни тақиб юради. Машҳур санъаткор Элизабет Тейлор ҳам Мути сингари қора гавҳар шайдосидир. Унинг бисотидаги тақинчоқларнинг аксарияти мана шу ноёб тош билан безатилган.

Дунёдаги энг йирик қора гавҳар “Африканинг қора офтоби” номи билан машҳур. Унинг ўлчови 202 қиротга тенг. Немис императори Вилгелм 100 қиротли, рус графинияси Орлова 67,5 қиротли қора гавҳарга эга бўлган.

1844 йили Бразилияда 3,148 қиротли қора олмос топилган. Бу асл тош катталиги жиҳатидан дунёда энг йирик ҳисобланувчи “Куллинан” олмосидан ҳам каттадир. Маълумки, “Куллинан” зарраларидан 105 дона гавҳар тарашланган. Инглизларнинг тожи мана шу гавҳарларнинг йириклари билан безатилган.

Олмос (қораси ҳам, шаффофи ҳам) қадим-қадимдан ҳукмдорлик, мардлик ва саботлилик тимсоли ҳисобланади. Шарқ ривоятларида гавҳар кишига бахт ато этади, уни душманлардан ва ҳатто ғам-ғуссадан асрайди, дейилган. Хуллас, гавҳар қадалган безакдан ҳар қандай буржга мансуб кишилар фойдаланишлари мумкин. Маблағ бўлса бас...


**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**

**ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-290.
9901 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.**
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6